# ПАРТИЯ, ҲУКУМАТ, ЭЛ-ЮРТ ҚУТЛОВИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 230 (4946).

22 НОЯБРЬ ПАЙШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.


ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, ҚАДРЛИ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВНИНГ ПАХТАКОРЛАР МЕҲНАТИГА ЮКСАК БАҲО БЕРИБ ЙЎЛЛАГАН ТАБРИК ВА ҚУТЛОВЛАРИГА ЖАВОБАН, ПАХТАЧИЛИКНИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚА СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАДИЛАР ВА БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАДИЛАР.

## *Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари ўртоқ М. М. МУСАХОНОВга*
## *Тошкент область ижроия комитетининг раиси ўртоқ С. А. АСОМОВга*

ЎЗЛАРИНИНГ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИ БИЛАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА ДАВЛАТГА 417 МИНГ ТОННА ПАХТА СОТИЛИШИНИ ТАЪМИН ЭТГАН КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИНИ, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИ, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗЛАРИ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ҚИЗҒИН ТАБРИКЛАЙМАН.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ БУНДАН БУЁН ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТАДИЛАР, ПАХТА ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚА БАРЧА СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРАДИЛАР ДЕБ, ИШОНЧ БИЛДИРАМАН.

Л. БРЕЖНЕВ.

## *МОСКВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ*
## *КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга*

Қадрли Леонид Ильич!

Биз Тошкент области меҳнаткашлари вакилларининг митинги қатнашчилари Ўзбекистон республикаси социалистик мажбуриятини бажарганлиги ва давлатга 4 миллион 900 минг тонна пахта сотганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети табригини ҳамда областимиз оширилган социалистик мажбуриятни бажарганлиги ва давлатга 417 минг тонна пахта сотганлиги муносабати билан юборган Сизнинг самимий ва чин юракдан йўллаган телеграммангизни зўр ҳурсандчилик ва катта қониқиш билан кутиб олдик. Сиз колхозчилар, ишчилар, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, саноат корхоналарининг коллективлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари ходимлари, республика ва Тошкент области меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатига юксак баҳо бердингиз. Бунинг учун биз Сизга, Леонид Ильич, ўзимизнинг қизғин миннатдорчилигимизни ва самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табриги ва Сизнинг телеграммангиз бизнинг қалбимизни яна ва яна чексиз ифтихор ҳислари билан тўлдириб юборди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва шахсан Сиз, қадрли Леонид Ильич бизнинг ишимизни зўр эътибор билан кузатиб бормоқдасиз ва ютуқларимиздан биз билан бирга қувонмоқдасиз.

Биз бундай ютуқларга жонажон ва севимли ленинчи Коммунистик партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги, катта ёрдами, доимий ғамхўрлиги ва улкан меҳнати ҳамда шахсан Сизнинг мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга доим диққат-эътибор бериб келаётганлигингиз, улуғ ва қудратли Ватанимиз халқларининг қардошларча ёрдами туфайли эришмоқдамиз. Буни областимиз меҳнаткашлари чуқур ҳис қиладилар. Шунингдек, Сизнинг пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан берган ғоят қимматли кўрсатмаларингиз ва амалий маслаҳатларингиз бизнинг янги марраларни эгаллашимизда катта, бебаҳо ва руҳлантирувчи роль ўйнади, меҳнаткашлар ўртасида меҳнат ва сиёсий кўтаринкиликни ғоят ошириб юборди, уларнинг куч-ғайратини зиммага олинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга сафарбар этди.

Қадрли Леонид Ильич!

Сизнинг берган юксак баҳоингиз бизнинг зиммамизга кўп вазифаларни юклайди. Буни биз, яхши биламиз. Бу юксак баҳоингиз барча меҳнаткашларнинг ижодий ғайрати ва меҳнат активлигини жўш урдириб юборди ва тўққизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун курашда янги қудратбахш куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз, митинг қатнашчилари, Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз ва яхши тилакларингиз учун ўзимизнинг чуқур ва самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз, пойтахт Тошкент области меҳнаткашлари номидан барча ақл-идрокимизни, куч-ғайратимизни, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этишга, коммунизм қуришдек улуғ ишга сафарбар қиламиз, деб жонажон Коммунистик партиямизни, унинг ленинчи Марказий Комитети ва шахсан Сиз, қадрли Леонид Ильични тантанали равишда ишонтирамиз.

Тошкент области меҳнаткашлари Сизга, қадрли Леонид Ильич, севикли Ватанимизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши, бутун дунёда тинчликни сақлаш йўлида олиб бораётган самарали ишингизда чин юракдан мустаҳкам соғлиқ тилайдилар.

ТАБРИК ХАТИ МИТИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН 1973 ЙИЛ 21 НОЯБРДА БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ЭТИЛДИ.

Тошкент шаҳри.



Суратда: митинг залининг умумий кўриниши.

А. Абалян фотолари.

## Қишлоқ хўжалигида янги, улкан муваффақиятлар сари

Шу кунларда республикамизнинг барча меҳнаткашлари ажойиб ҳис-туйғулар билан, меҳнатлари натижаси юксак бўлганлигидан қаноат ҳосил қилган ҳолда шавқ-завқ билан яшамоқдалар. Бу йил республикамиз пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган улкан ғалабани қўлга киритди. Она-Ватан 4 миллион 900 минг тонна Ўзбекистон «оқ олтин»ини қабул қилиб олди. Далаларнинг баҳодир кишилари — пахтакорлар ва механизаторлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, ўз касбини пухта эгаллаган мутахассислар, деҳқончилик учун қудратли машиналар ишлаб чиқараётган ишчилар, инженер-техниклар, техникани тобора такомиллаштираётган конструкторлар, пахтанинг янги навини ижод этаётган селекционерлар, ҳамма ана шу улуғвор меҳнат ғалабасини зўр қониқиш билан табрикламоқда ва бу билан қувонмоқда.

Республикамизнинг осмонўпар «оқ олтин» хирмонида пойтахт областимиз пахтакорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Областимиз бу йил катта ютуқни қўлга киритди. Колхоз ва совхозлар давлатга 417 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб бердилар.

Бу муваффақиятга деҳқончилик маданияти тобора оширилаётганлиги, ер ресурсларидан тўла фойдаланилаётганлиги минерал ўғитни ишлатиш яхши йўлга қўйилганлиги, энг муҳими пахтакор кадрлар ўз вазифаларига масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда муносабатда бўлаётганликлари туфайли эришилмоқда.

Республикамиз пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига табрик телеграммаси йўлладилар. Бу воқеа республикамиздаги ҳар бир кишини ғоят қувонтириб юборди, ишчиларимизни, пахтакорларимизни ва барча меҳнаткашларни янгидан-янги зафарларга илҳомлантирди.

Қувонч устига қувонч бўлди. Областимизда пахта тайёрлаш юзасидан олинган юксак социалистик мажбурият ошириб бажарилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев пойтахт, область меҳнаткашларига табрик телеграммаси йўллади.

Кеча область партия комитетининг мажлислар залида ана шу тантаналарга бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошлиқ ленинча Сиёсий бюросини фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** табрикномаларни ўқиб эшиттиради. Залда жонажон партиямиз, севикли Совет ҳукуматимиз шарафига гулдурос қарсаклар янграйди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕК ПАХТАСИ ВАТАНГА ТУҲФА

Беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида деҳқонлар меҳнатда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Бугун «Правда»да Ўзбекистон пахтакорларининг рапорти ҳамда республика меҳнатчиларини катта муваффақият билан — давлатга пахта сотиш социалистик мажбуриятларини бажарганликлари билан қутлаб КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети йўллаган табрикнома эълон қилинган. Тайёрлаш пунктларига 4 миллион 900 минг тонна — халқ хўжалик планидагидан 455 минг тонна кўп пахта жўнатилди.

Пахтачиликни ривожлантиришда янги муҳим маррага эришилди: Ўзбек деҳқончилигининг бутун тарихида мисли бўлмаган рекорд ҳосил тўпланди. 1,7 миллион гектар ернинг ҳар бир гектарида 29 центнерга етказиб пахта олинди. 16 районда пахтанинг ҳосилдорлиги 35—40 центнерга етказилди. Кейинги саккиз йил ичида республика пахтанинг ҳар йилги ялпи ҳосилини қарийб бир миллион тонна кўпайтирди. Ватанга 7,5 миллион тонна маҳсулот берамиз деб пахтакор республикалар олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшилди. Бу муваффақият партиянинг қишлоқ хўжалик соҳасида Марказий Комитет пленумларининг, КПСС XXIII ва XXIV съездларининг қарорларида белгилаб берилган сиёсати муттасил ва тўхтовсиз ошиб бораётган ҳосиллар тимсолида баракали самаралар бермоқда.

Ишлаб чиқариш янада интенсивлаштирилаётганлиги пахтачиликни юксалтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистонда ерларни мелиорация қилиш кенг жабҳа бўйлаб авж олдирилмоқда. Ирригация-мелиорация қурилишига етти йил ичида тўрт миллиард чамаси маблағ сарфланди. 400 минг гектардан кўпроқ янги суғорилган ерлар ишга туширилди, жуда катта ер майдонлари анча яхшиланди. Колхозлар ва совхозлар деҳқончиликни актив химиялаштиришни, сермеҳнат ишларни механизациялашни давом эттирмоқдалар. Бултур хўжаликлар далаларга тўрт миллион тоннага яқин минерал ўғит солдилар, 14,6 минг трактор, тўрт мингта пахта терим машиналари, кўпгина бошқа машина ва ускуналар олдилар.

Олинган рекорд ҳосил экономикамизнинг техникавий имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланиш, деҳқонлар, саноат ва қурилиш ходимлари, сув хўжалик ташкилотларининг, транспорт, авиация ходимлари, республика қишлоқлари ва шаҳарларидаги барча меҳнатчилар фидокорона куч ва ғайрат сарфлаганликлари натижасида қўлга киритилди. Партия комитетлари, касаба

(Давоми 2-бетда).



Суратда: (чапдан) митингга келган Бекобод районининг бир группа илғор пахтакорлари — М. Чолаков, М. Олтмишев, Г. Шукуров, Ш. Деҳқонов, К. Эгамбердиев, В. Султонов ўртоқларни кўриб турибсиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси саккизинчи чақириқ Олий Советининг олтинчи сессияси 1973 йил 20 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида;

Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ,**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.**

**1973 йил 20 ноябрь. Тошкент шаҳри.**

